

**МАРКАЗИЙ ОСИЁДА МИНТАҚАВИЙ ИДЕНТИКЛИК ВА УМУМИЙ  
ЦИВИЛИЗАЦИОН ҚАДРИЯТЛАР МУАММОСИ****Абдурахмонов М.Ш. -***ЎзМУ доценти,**сиёсий фанлари фалсафа доктори (PhD).*

Антик даврда қадрият ва борлиқ айнийлаштирилган, қадриятга хос бўлган хусусиятлар эса унинг мазмунига киритилган, ўрта асрлар қадриятлари эса диний хусусият касб этган ва илоҳий моҳият билан боғланган. Уйғониш даври ижодида инсонпарварлик ва хурфикрлилик қадриятлари биринчи ўринга чиққан, янги даврда эса қадриятлар ҳақидаги таълимотга нисбатан ёндашувлар рационализм нуқтаи назаридан тавсифланган. XX-асрнинг бошида француз файласуфи П.Лапи қадриятлар назариясини ифодалаш учун “Аксиология” (юнонча *axios*-қадрият, *logos*-фан, таълимот) атамасини муомалага киритди. Умумий равишда қадриятлар инсоннинг ҳаёт тарзини, унинг ҳайвонот дунёсидан ажралишини тавсифлайди, одамларни жипслаштиради, уларни жамиятларга бирлаштиради, инсон фаолияти ва жамиятнинг ўзига хослигини теранроқ англаш имконини беради. Қадриятлар инсон эҳтиёжлари, майлларига боғлиқ бўлмаган идеал борлиқдир.

“Қадрият” тушунчасининг фалсафий мазмуни ижтимоий бўлиб, инсоннинг амалий фаолияти жараёнида вужудга келади. Унинг функционал аҳамияти муайян ғояга мазмун бағишлаши ва ҳаққонийлигида. Инсон ҳаёти ва фаолиятида эҳтиёжлар иерархиявий бўлиб, улар мунтазам равишда ўзгариб туради, қадриятлар нисбатан ўзгармас бўлиб, индивид томонидан унинг ижтимоийлашуви жараёнида ўзлаштирилади. Ижтимоий-сиёсий қадриятлар жамиятнинг равнақ топиши, халқларнинг ўзаро тотувлиги ва ҳамкорликнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади, маънавий қадриятлар эса инсон тарбияси ва камолотида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, жамият ва шахс маънавиятини юксалтиради ҳамда тафаккур ривожига бекиёс аҳамият касб этади. Умуминсоний қадриятлар, ҳодисалар ва ғояларнинг жаҳон ҳамжамияти учун қадрият сифатидаги аҳамияти бекиёс. Олий қадриятлар энг юксак даражада туради ҳамда инсонларнинг фундаментал муносабат ва эҳтиёжларини акс эттиради.

XXI асрда глобаллашув, геосиёсий рақобат ва ахборот-коммуникация жараёнлари жадаллашуви шароитида миллий ва минтақавий идентиклик масаласи долзарб ижтимоий-фалсафий муаммога айланди. Айниқса, тарихий, этник ва маданий жиҳатдан муштаракликка эга бўлган Марказий Осиё давлатлари учун минтақавий идентикликни шакллантириш ва умумий цивилизация қадриятларни англаш стратегик аҳамият касб этмоқда. Қадриятлар ҳар бир миллатнинг маънавий қиёфасини намоён этишини нуқтаи назаридан олиб қаралганда, халқимизнинг кўп асрлик ўтмиши, қадриятлари ва миллий маданиятини акс эттирувчи омиллар минтақавий ва жаҳон маданиятига салмоқли таъсир кўрсатган.

Ижтимоий-фалсафий жиҳатдан Марказий Осиё минтақавий ҳамкорлиги умумий тарих, маданият, қадриятлар ва цивилизация яқинликка таянган ижтимоий жараёндир. Бу ҳамкорлик инсон, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларни минтақавий даражада уйғунлаштиришга қаратилган. Марказий Осиё минтақавий цивилизацияси туркий тил гуруҳи, ислом дини цивилизацияси ҳамда умумий урф-одатлар ва маънавий қадриятлар асосида шаклланган. Фалсафий жиҳатдан бу “жамоавий идентиклик”ни юзага келтиради. Турли халқлар ўртасида ягона цивилизация доирасида яқин ҳамкорликни йўлга қўйилишига Марказий Осиё яққол мисол бўла олади. Минтақада жамият барқарорлиги ижтимоий ҳамжиҳатликка, яъни давлатлар аҳолисининг ўзаро муносабатлари, оилавий ва қариндошлик алоқалари, чегараларнинг очиқлиги каби омилларга боғлиқ. Минтақанинг ўзига хос цивилизация бирлиги борасида 2017 йил сентябрида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида Ш. Мирзиёев шундай таъкидлаган: “Марказий Осиё бу умумий тарих, маданият ва муштарак қадриятлар асосида шаклланган ягона цивилизация макондир.” [1].

Марказий Осиёда халқлар ўзаро уйғун жамоавийлик, катталарга ҳурмат, адолат, сабр-тоқат, тинчликка интилиш каби умумий қадриятларга эга. Фалсафий нуқтаи назардан, ушбу қадриятлар уйғунлиги минтақа халқларининг ҳамкорлигини институционал эмас, балки маънавий эҳтиёжга айлантиради. Марказий Осиё жамиятлари жамоавий кўриниш касб этади, яъни жамият манфаати шахсий манфаатдан устун ҳисобланади, давлатлараро ҳамкорлик ҳам “ўзга” эмас, “ўзимиз” тамойилида қабул қилинади. Ҳозирги глобаллашув жараёни бир томондан минтақа давлатларини жаҳон тизимига интеграциялашувини жадаллаштиради, иккинчи томондан эса минтақавий идентикликни кучайтиради. Демак глобал босим бу давлатларнинг минтақавий ҳамкорликка эҳтиёжини оширади ва ўз навбатида улар ўртасидаги яқин қўшничилик муносабатлари ижтимоий-фалсафий аҳамият касб этади. Ушбу ҳамкорлик фалсафий жиҳатдан иқтисодий самарадан ҳам устун бўлган ижтимоий барқарорлик ва маънавий уйғунликни таъминлайди.

Цивилизацион ёндашув тарафдорларидан бири бўлган С. Хантингтон глобал сиёсатда маданий-цивилизацион омиллар ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини таъкидлаб, цивилизацион умумийликлар ижтимоий барқарорлик ва геосиёсий бирликнинг асосий манбаи бўлиши мумкин [2, 28;43] деган фикрни билдиради. Марказий Осиё халқлари тарихий жиҳатдан ягона цивилизацион макон доирасида шаклланган. Ипак йўли, туркий маданий мерос, ислом цивилизацияси ва жамоавийлик анъаналари минтақада умумий қадриятлар тизимини вужудга келтирган.

Минтақавий идентиклик муайян географик маданий маконда яшовчи халқларнинг умумий мансублик, қадрият ва тарихий хотира бирлигига асосланган ижтимоий онг шаклидир. Б.Андерсон миллатни “тасаввур қилинган жамоа” сифатида талқин қилади [3, 6]. Ушбу концепцияни минтақавий даражага татбиқ этганда, Марказий Осиё халқлари ўртасидаги умумий тарих ва маданий хотирани “тасаввур қилинган минтақавий жамоа” сифатида кўриш мумкин. Буни 2019 йилда Марказий Осиё давлат раҳбарларининг маслаҳат учрашувидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг қуйидаги фикрлари ҳам тасдиқлайди: “Бизнинг халқларимизни асрлар давомида кондошлик, қардошлик, бағрикенглик ва ўзаро ҳурмат қадриятлари боғлаб келган” [4].

Ижтимоий фалсафа назариясида минтақавий идентиклик этник зиддиятларни юмшатиш, хавфсизлик соҳасида ишонч муҳитини шакллантириш, ўзаро интеграциявий жараёнларни рағбатлантириш ҳамда иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш каби ижтимоий функцияларни бажаради. Ўзаро ишонч ва ҳамкорлик ижтимоий барқарорликнинг асосий манбаси бўлиб, Марказий Осиё минтақасида ҳам умумий қадриятлар айнан ушбу ижтимоий капитални мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ҳозирги глобаллашув шароитида минтақавий идентиклик бир қатор таҳдидларга дуч келмоқда. Жумладан, ахборот экспансияси, оммавий маданиятнинг стандартлашуви, миграция жараёнлари ва ташқи геосиёсий таъсирларни ажратиш кўрсатиш мумкин. Минтақавий қадриятларни сақлаш барқарорлик омили ҳисобланади. Минтақавий интеграция жараёнлари ҳамда иқтисодий, маданий ва хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик умумий қадриятларга таянганда мустаҳкам бўлади. Хусусан, Р.Алимов Марказий Осиёнинг умумий тарихи ва маданий мероси интеграция учун асос эканини таъкидлайди [9, 54]. Минтақадаги цивилизацион умумийлик тарихий хотира, тил ва маданий яқинлик, умумий дин ва жамоавийлик анъаналари орқали намоён бўлади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, минтақавий идентиклик миллий идентикликни инкор этмайди. Аксинча, улар ўзаро диалектик бирликда мавжуддир, чунки миллий идентиклик давлатчилик асоси, минтақавий идентиклик эса ўзаро ҳамкорлик ва барқарорлик захираси ҳисобланади. Ушбу ёндашув ижтимоий-фалсафий мувозанатни таъминлайди.

Марказий Осиёда минтақавий идентиклик ва умумий цивилизацион қадриятлар ўзаро боғлиқ ижтимоий-тарихий жараёнлардир. Умумий маданий қадриятлар, ахлоқий мерос ва тарихий хотира минтақавий барқарорликнинг асосий манбаи ҳисобланади. Глобал трансформация шароитида мазкур қадриятларни институционаллаштириш ва таълим, маданият ҳамда интеграция сиёсатларида татбиқ этиш минтақанинг барқарор ривожланишини таъминлаши мумкин.

Хулоса сифатида таъкидлаш мумкинки, Марказий Осиёда минтақавий идентиклик ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан муайян географик, тарихий ва маданий маконда яшовчи халқларнинг умумий мансублик ҳисси, тарихи ва қадриятлар тизимига асосланган ижтимоий онг шакли сифатида намоён бўлади. Бу идентиклик минтақадаги турли этник ва миллий гуруҳларни бирлаштирувчи цивилизацион омиллар ҳисобланган умумий тарихий хотира, Ипак йўли цивилизацияси мероси, туркий ва ислом маданияти таъсири, ҳамда жамоавийлик ва бағрикенглик каби қадриятлар билан шаклланади. Фалсафий жиҳатдан уни ижтимоий макон ва маданий мероснинг диалектик бирлиги сифатида талқин қилиш, миллий идентикликни инкор этмасдан, кенгроқ маданий ва цивилизацион контекстда тўлдирувчи мезон деб ҳисоблаш мумкин. Шу маънода минтақавий идентиклик халқлараро тарихий-маданий яқинликни англаш, ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ҳамда минтақавий барқарорликни таъминлашга хизмат қилувчи муҳим ижтимоий механизмдир. Замонавий глобаллашув шароитида эса идентиклик трансформацияга учраб, иқтисодий ҳамкорлик, маданий алмашинув ва интеграция жараёнлари орқали янада мустаҳкамланаётганлиги сабабли минтақавий идентиклик фақат маданий ёки тарихий тушунча эмас, балки барқарор тараққиёт, минтақавий ҳамжиҳатлик ва геосиёсий барқарорликни таъминловчи муҳим цивилизацион ресурс сифатида ҳам қаралади.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев Ш. М. БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқ // Халқ сўзи. – 2017. – 20 сентябрь.
2. Huntington S. P. The Clash of Civilizations and the Remaking of World Order. – New York : Simon & Schuster, 1996. – 367 p.
3. Anderson B. Imagined Communities: Reflections on the Origin and Spread of Nationalism. – London : Verso, 1983. – 224 p.
4. Мирзиёев Ш. М. Марказий Осиё давлат раҳбарларининг маслаҳат учрашувидаги нутқ. – Тошкент, 2019 йил 29 ноябрь // Ўзбекистон Республикаси Президенти расмий веб-сайти.
5. Castells M. The Rise of the Network Society. – Oxford : Blackwell, 1996. – 556 p.
6. Sen A. Identity and Violence. – New York : W. W. Norton, 2006. – 215 p.
7. Навоий А. Махбуб ул-қулуб. – Тошкент : Фафур Фулом номидаги НМИУ, 2016. – 320 б.
8. Фитрат А. Танланган асарлар. – Тошкент : Маънавият, 2000. – 384 б.
9. Алимов Р. Центральная Азия: общность истории и вызовы современности. – Ташкент : Шарк, 2015. – 312 с.

#### РЕЗЮМЕ:

Мақолада глобаллашув, геосиёсий рақобат ва ахборот-коммуникация жараёнлари жадаллашуви шароитида миллий ва минтақавий идентиклик масаласи ўрганилган.

**Калит сўзлар:** глобаллашув, геосиёсат, минтақавий идентиклик, тарихийлик, этник маданият, цивилизацион қадриятлар.

#### РЕЗЮМЕ:

В статье рассматривается вопрос национальной и региональной идентичности в контексте глобализации, геополитической конкуренции и ускорения информационно-коммуникационных процессов.

**Ключевые слова:** глобализация, геополитика, региональная идентичность, историчность, этническая культура, цивилизационные ценности.

#### RESUME:

The article studies the issue of national and regional identity in the context of globalization, geopolitical competition, and the acceleration of information and communication processes.

Keywords: globalization, geopolitics, regional identity, historicity, ethnic culture, civilizational values.